



THE PLACE OF MEDIA CULTURE IN MODERNIZATION OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN (SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS)

Ablazov Elyorbek Erkinjonovich¹

¹Andijan State University, National Idea: Fundamentals of Spirituality and Legal Education, Senior Lecturer

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4897917>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

culture, media culture, media education, modernization, technology, internet, Uzbekistan.

ABSTRACT

The integration of education and media culture promotes new areas of media education that help to systematize the effective assimilation of knowledge, disseminate information streams to specific thematic streams, and identify vital indicators for the developing individual.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИДА МЕДИАМАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ (ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

Аблазов Элёрбек Эркинжонович¹

¹ Андижон давлат университети миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

маданият,
медиамаданият,
медиатаълим,
модернизация,

ANNOTATSIYA

Таълим ва медиамаданиятнинг интеграцияси билимларни самарали ўзлаштиришни тизимлаштиришига, ахборот оқимларини аниқ тематик оқимларга тарқатишига ва ривожланаётган шахс учун ҳаётий кўрсатмаларни аниқлашига ёрдам берадиган янги медиатаълим йўналишларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Техника, технология, илмий-техник тараққиёт ва таълим соҳасидаги доимий ўзгаришлар замонавий инсон ҳаётий фаолиятида бевосита давом этаувчи мавзу муҳитини тубдан янгилайди. Ахборот жамиятини шакллантириш шароитида бундай тизимли тамойил таълим муассасасининг медиамаданий ва маърифий муҳити бўлиши мумкин, бу шароитда таълимнинг предметли-

табақалаштирилганидан интеграциялашув тамойилларига ўтиш амалга оширилади.

Бугунги кунда оммавий медемацият аҳолининг турли қатламларини норасмий таълим ва маърифат тизими ҳисобланади. Замонавий жамият тўғридан тўғри ва тескари коммуникатив алоқалар билан қопланган, бу ўзаро боғлиқ бўлган, аммо инсон фаолияти давомида фарқланувчи фаолият



турларининг макон-вақт кўринишидир. Оилавий уюшмалар миллий иттифоқининг сўнгги статистик маълумотларига кўра, вояга етмаганлар ҳар йили 1400 соатни турли экранли оммавий ахборот воситалари билан алоқаларга ажратадилар [1, Б. 15].

Ижтимоий тармоқлар, оммавий маданият унсурларини билиш бугунги долзарб вазифа ҳисобланади. Биз юқори технологиялар даврида яшайпмиз: исталган маълумотни, ўзимизга зарур бўлган ҳар қандай ахборотни излашда турли хил ижтимоий-сиёсий газеталар, китоблар ва телекўрсатувлардан кўра интернетни маъқул кўрамыз.

Маълумки, замонавий ҳаёт кенгайиб бораётган оммавий коммуникация тизимларига, “ахборот портлаши”га ўтиб бормоқда ва унинг асосий хусусиятлари бетартиблик, чексизлик ва ортиқчалилик. Шу муносабат билан бизнинг пост-модерн идентификациямизнинг ижтимоий алоқалари ва моделлари тобора мураккаблашиб, медиамаданият тушунчасига мурожаат қилишга ва унинг ҳозирдаги ўрнини аниқлашга мажбур этмоқда.

Медиа (лотинча “медиа”, “медиум” – восита, воситачи) – бу “оммавий ахборот воситалари” ҳодисасини ифодалаш учун канадалик социолог М.Маклюэн томонидан киритилган XX асрнинг атамаси. “Медиамаданият” тушунчасига келсак, у замонавий маданиятнинг назарияси билан яратилган бўлиб, жамият ва давлат, жамият ва ҳокимият ўртасидаги воситачи бўлган ахборот асри маданиятининг маҳсус турини билдиради. Медиамаданият оммавий ахборот воситалари (аввало, телевидение, кейин матбуот, радио, интернет) таъсирида шакллланган маданият. У инсоннинг

ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлайди, одамларнинг қизиқишларини бошқаради, ўзига меҳригиёдек жалб қилади, таъсирчанликнинг турли-туман кўринишларини, усул ва воситаларини ишга солади.

Ғарбда медиамаданият феноменини ўрганишда Р.Арнхейм, А.Базен, Р.Барт, В.Беньямин, М.Фуко, Ж.Деррида, Ж.Делёз, Г.Дебор, Г.Маркузе, Т.Дж. Митчелл, Ж.Лакан, Ж.Бодрийяр, Г.Полок, М.Маклюэн, С.Жижек, Б.Гройс, Ортега-и-Гассет каби назариётчилар муҳим роль ўйнадилар.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос таърифини Славой Жижек асарларида кўриш мумкин. Унинг фикрига кўра, медиамаданиятга сингиб кетган одамнинг ўзи янги оммавий ахборот воситаларининг маҳсулига айланади. Медиатизация – бу ҳақиқий объектни сунъий нарсага айлантириш жараёни [2. Б. 125].

Медиамаданият инсоният томонидан маданий ва тарихий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқилган, шахснинг ижтимоий онги ва ижтимоийлашувига ҳисса қўшадиган ахборот-коммуникация воситалари, моддий ва интеллектуал қадриятлар тўплами сифатида таърифланиши мумкин. Медиамаданиятга ахборот узатиш маданияти ва уни идрок этиш маданияти киради, шунингдек, медиаматнни идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, медиаижодкорлик билан шуғулланиш ва оммавий ахборот воситалари соҳасида янги билимларни ўзлаштиришга кодир бўлган шахсият ривожланиш даражасининг кўрсаткичи вазифасини ўташи мумкин.

XXI асрда дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-



маданий мухитини модернизация қилишнинг устувор вазифалари қуйидагилардан иборат:

- оммавий кутубхоналар, музейлар, архивларни компьютерлаштириш;
- гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасида оммавий маълумотлар базаларини ва маълумотлар банкларини яратиш;
- мамлакат ҳудудларида маданий ва ахборот марказларининг кенг тармоғини яратиш;
- интернетда миллий секторни яратиш ва ривожлантириш;
- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Шу нуқтайи назардан, медиамаданият ахборот асрининг ноёб ҳодисаси, белги тизими, “код” сифатида инсон атрофида дунё ҳақидаги маълумотлар узатиладиган ва янги тафаккур шаклланадиган ўрни масаласи айниқса долзарб бўлиб қолади. Ва бу, ўз навбатида, шахсни социализация қилиш омили сифатида медиатаълим назарияси ва амалиёти учун янги муаммоларни келтириб чиқаради.

М.Маклюэн таъкидлаган эди: “Ҳақиқатан ҳам саводли бўлиш учун сиз медиа дунёсида саводли бўлишингиз керак...” Вақт таниқли канадалик социологнинг фикри тўғрилигини тасдиқлади. Медиатаълим ва медиамаданият нима, унинг моҳияти ва хусусиятлари нимада деган савол сўнгги йилларда ҳам ўқитиш

мухитида, ҳам журналистика соҳасида, шунингдек психологлар ва социологлар орасида энг баҳсли масалалардан бирига айланди.

Ўзбекистонда медиатаълим истиқболлари ижтимоий модернизация жараёни, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш муаммолари ва шунга мос равишда XXI аср шахсининг медиамаданияти билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистонда медиатаълим ва медиамаданият мустақил йўналиш сифатида ривожланиб бормоқда ва умумтаълим муассасаларининг ўқув жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, шу билан бирга таълим жараёнининг сифатига таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи олдида ўқувчиларни турли хил маълумотларнинг катта оқимидан ҳимоя қилиш эмас, балки фойдали ва оқилона нарсани танлаб, улардан қандай фойдаланишни ўргатиш вазифаси туради [3]. Охир оқибат, бу ҳар бир инсоннинг истеъдодларини очиб беришга ёрдам беради.

Медиамаданият бугунги кунда жамоат ҳаётининг марказига айланди, иқтисодиёт ва сиёсатга кириб, гуруҳ ва индивидуал онгга таъсир кўрсатишнинг муҳим ижтимоий воситаси бўлиб қолди, у дунёнинг индивидуал ва оммавий суратини шакллантиришга таъсир қилувчи омил сифатида хизмат қилмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Колесниченко В. Л. Становление и развитие медиаобразования в Канаде: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01 / В. Л. Колесниченко. Ростов-на Дону, 2007.
2. Жижек С. Киберпространство, или Невыполнимая замкнутость бытия / С. Жижек // Искусство кино. 1998. № 1.
3. Кириллова Н. Что такое медиакультура? // <http://www.ifap.ru/library/book045.pdf> (Дата обращения к ресурсу 5 мая 2013 года)